

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 2

2022 йил " 20" МАЙ

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган: AJ «URANKAMYOBMETGEOLOGIYA» номидан низом асосида иш кўрувчи Бошкарув Раиси Юлдашев Ш. Ё бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган: ООО "KAFOLAT ENERGOQURILISH" номидан низом асосида иш кўрувчи Директори Хусаинов Ш.Ш иккинчи томондан, AJ «URANKAMYOBMETGEOLOGIYA» тасарруфидаги GEOBURSERVIS ишлаб чиқариш корхонаси биноларини том қисмини жорий таъмирлашга доир маскур пудрат шартномасини туздилар.

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ AJ «URANKAMYOBMETGEOLOGIYA» тасарруфидаги GEOBURSERVIS ишлаб чиқариш корхонаси биноларини том қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш буйича мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома бўйича E/TENDER электрон биржа танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил "18" Майдаги 20225191911408630-сон электрон баённома лот№80291) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йифимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 850 125 020 (Саккиз юз эллик миллион, бир юз йигирма беш минг йигирма) сўмни ташкил этади. Шундан 110 885 872 сўм ККС

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлиар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб 10 кун муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

IV. БҮЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун майдонини Пудратчига бериш, тугалланган ишларни қабул қилис олишни таъминлаш;

Шартномага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш; мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб шартнома қонун ҳужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

10. Пудратчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 16 иш кунини ташкил этади.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича 30 фоиз аванс ўтказади, бу 255 037 506 сумни ташкил этади.

13. Таъмирланаётган обьектнинг колган 70 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб таъмирлаш ишлари тугаллангандан кейин ва обьект буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

14. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимидаги кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

15. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

16. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

18. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларида, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

19. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўшайтирумасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

20. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

22. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

23. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ

(ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу

холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. ТАЪМИРЛАНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

27. Таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлған белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

28. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

29. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XI. КАФОЛАТЛАР

30. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларига қўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

31. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабридан кечикмаган ҳолда камида 1 ой этиб белгиланади.

32. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонламида далолатномасида қайд этилади.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёrlари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўймаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш ҳукуқига эга.

35. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

37. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

38. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

39. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

40. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

41. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва качиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

42. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни коплайди.

43. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чикилади.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

46. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

47. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қиласи.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг
(Коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги) 03.01.2017 йил № 419-сонли Конунини билан
танишиб чикган холда тузулди, томонлар қонун олдида жавобгарликни ўз зиммасига
олади.

Буюртмачи:

Пудратчи:

AJ «URANKAMYOBMETGEOLOGIYA»

«URANKAMYOBMETGEOLOGIYA» AJ
100011, Toshkent shahar, Navoiy ko'chasi, 7a-uy
Tel: 71-241-26-51, 71-241-97-74
P/c: 2021 0000 9003 0599 2001
ATB "ASIA ALLIANCE BANK"
MFO: 01143 INN: 201 407 625 OKED: 71120
QQS Kod: 326 050 007 323

Бошқарув Раиси

Йулдашев Ш.Ё



ООО «KAFOLAT ENERGOQURILISH »

Манзил: Тошкент шахар.Мирзо-Улугбек тумани
Буюк Ипак йўли 421 уй, 1-хона

Телефон:97-744.64.67

X/p:2020 8000 3046 6685 6001

Банк: «УзПСБ Мирзо-Улугбек ф-ли. Тошкент ш.

ИНН: 300 639 556 МФО:00399

ОКЭД:61110

Рахбар: Хусайнов Ш.Ш Имзо

